

# Qishloq hayoti

2019 йил Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

1974-йил 1-yanvardan chiqa boshlagan

2019-йил 16-mart, shanba 22 (8989)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КЎП ТАРМОҚЛИ "ХУМО АРЕНА" СПОРТ КОМПЛЕКСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!  
Хурматли Халқаро хоккей федерацияси президенти Рене Фазель жаноблари!  
Мухтарам меҳмонлар!  
Хонимлар ва жаноблар!  
Аввало, сизларни Наврӯз байрами арафасида, гўзал баҳор кунларида Ўзбекистон замининда самимий кўтлайман. Барчангизга чуқур ҳурматим ва энг эзгу тилакларимни билдиришдан бениҳоя мамнунман.

Бугун пойтахтимиз марказида ишга туширилаётган замонавий спорт кошонаси – "Хумо арена"га ташриф буюриб, қувончимизга шерик бўлаётганингиз учун сизларга катта раҳмат!  
Ушбу тантанали маросимда иштирок этаётган жаҳон спорт юлдузлари, машҳур маданият ва санъат арбоблари, дипломатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари, етакчи компаниялар раҳбарларига қарата айтмоқчиман:

Хуш келибсиз, меҳмондўст Ўзбекистон заминига!  
Азиз дўстлар!  
Бугун биз юртимизда кенг қўламли ислохотлар ва жадал ўзгаришларни амалга оширмақдамиз. **Ва бу йилда жисмоний соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш бизнинг устувор вазифамиз ва биз бунинг учун бор куч ва маблағларимизни сафарбар этамиз.**

Шу маънода, биз жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор бермоқдамиз.  
Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто энг олис туманларда ҳам замонавий ва фойдаланиш учун қулай спорт инфратузилмаси барпо этилмоқда. Кейинги икки йилда мамлакатимизда спорт билан доимий шугулланадиганлар сони икки баробар кўлайди.

Юртимиз спортчилари турли халқаро мусобақаларда мингдан зиёд медалларни қўлга киритди, улардан 400 дан ортиғи олтин медаллардир. Ҳозирги вақтда бокс, дзюдо, эркин кураш, бадий гимнастика, шахмат ва бошқа спорт турлари бўйича Ўзбекистонда шаклланган мактаблар бутун дунёда маълуму машҳурдир.

Мамлакатимизда ўтказилаётган нуфузли халқаро мусобақалар, жумладан, дунё ва қитъа чемпионатлари сони йил сайин ортиб бормоқда. Биз 2030 йилда Ўзбекистонда ёнги Осиё ўйинларини ўтказиш ташаббуси билан чиқдик.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!  
Биз спортчиларимиз қишки спорт ўйинлари, жумладан, энг қизиқарли бўлган фигурали учини, хоккей, тоғ-чанги спорти, фристайл, сноуборд ва бошқа спорт турлари бўйича Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишига интилоқдамиз.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаёқ Тошкентда "Юбилейний" муз спорти саройи, "Бинокор" хоккей жамоаси, Тошкент вилоятида тоғ-чанги трассаси мавжуд бўлган.  
Бизнинг бу борада эришган ютуқларимиз орасида фристайл бўйича қишки Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпиолатида қўлга киритилган олтин медаллар, фигурали учини бўйича Осиё ўйинлари ва бошқа халқаро мусобақаларда эришилган 70 дан зиёд медаллар борлигини таъкидлаш лозим.

**Биз спорт соҳасидаги ана шундай шонли анъаналарни давом эттиришни ўз бурчимиз деб биламиз.**  
Ўтган йили мамлакатимизда тўртта хоккей клуби ташкил этилди. Бу йил февраль ойида шайбали хоккей бўйича биринчи бор Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Ўзбекистон спортчилари яқинда Красноярскда ўтказилган Бутунжаҳон қишки универсиадада илк бор иштирок этди.  
Ушбу замонавий муз саройининг ишга туширилиши Ўзбекистон спорти тарихида янги босқични бошлаб беради, десак, ўйламанки, муболага бўлмайди.

Мазкур иншоот ўзининг илғор меъморий ва муҳандислик-қурилиш ечимлари, техник жиҳозланиш даражасига кўра ноёбдир. Биз ҳамкорларимиз – етакчи компанияларнинг энг сўнги ишланмаларини жалб этишга ҳаракат қилдик.

Ишончим комилки, "Хумо арена" юксак малакали спортчиларни тайёрлаш ва Ўзбекистонда йирик халқаро мусобақалар ташкил этиш ва энг асосийси – ёшларимизни қишки спорт турларига кенг жалб этишга хизмат қилади.

Бундай мажмуа ва марказларни биз келгусида юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам барпо этамиз.

Шу муносабат билан бугунги тадбирда иштирок этаётган хурматли меҳмонларимиз – машҳур спортчи ва мураббийлар – дунё спорти юлдузларига мурожаат қилиб, айтмоқчиман: **биз сизнинг қўллаб-қувватлашингиз, билим ва маҳоратингиз, улкан профессионал тажрибангизга ишонамиз.**

Қадрли дўстлар!  
Бизнинг пойтахтимизга узукка кўз қўйгандек ярашиб турган, сизларнинг иштирокингизда фойдаланишга топширилаётган бу замонавий спорт саройи ушбу йўналишдаги ишларнинг дастлабки амалий натижасидир.


Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, барча халқаро талабларга жавоб берадиган ушбу ноёб комплекс спортни севадиган халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбидаги орзунинг амалий ифодаси бўлди.

Ана шу орзунинг ҳақиқатга айланганлиги, қисқа муддатда шундай улғуров мажмуани барпо этган лойиҳачи, меъмор, қурувчи, ва муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, бу эзгу ишга ҳисса қўшган барча инсонларга чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги кун миллий спортимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Бутун кўп миллатли халқимизни, ушбу тадбиримизнинг барча иштирокчилари ва меҳмонларини бугунги тарихий воқеа – "Хумо арена" спорт саройининг очилиши билан чин қалбимдан табриклайман.  
Барчангизга тинчлик-омонлик, улкан зафарлар ва янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.  
Эътиборингиз учун катта раҳмат.

Янги йирик sanoat inshootlari, tub iqtisodiy va ijtimoiy islohotlar Ўзбекистоннинг додугини оширмоқда. Юртимизга хорижий сармоядорлар манфаатли ва ишончли бизнес макони, чет эллик туристлар бокира гўзаллик тинсоли ва тарихнинг бетакорор гувоҳи сифатида қараяпти.



## ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАТЪИЙ ИНТИЛИШИ ВА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ РАМЗИ



Экспертлар эса буларнинг барчаси қаторида Ўзбекистон бунёдкорлик ўлкасига айланганини ҳам таъкидлайди.

Дарҳақиқат, юртимизнинг қайси гўшасига борманг, қурилиш материаллари ташиб кетаётган улкан юк машиналарига, тинимсиз ишлаётган кранларга кўзингиз тушади. Ўзбекистонга бир келган киши иккинчи сафар унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини эътироф этаётгани

ҳам ҳақиқат. Ўзимиздан қиёс – қайси шаҳарда яшашимиздан қатъи назар, унинг бирор кўчасига бир-икки йил бормасак, ногоҳ йўлимиз тушганида адашиб қолишимиз рост. Янги қад ростлаган бинолар эски тасаввурдаги мўлжални бузиб юборади.

Бир сўз билан айтганда, умум-эътироф этилаётган иқтисодий ютуқлар, мутлақо янги асосдаги самарали ташқи сиёсат баробарида бунёдкорлик ҳам Ўзбекистон ҳақида

тилга олинаётган гаплар, билдирилаётган фикр-мулоҳазаларнинг бош маззусига айланган.

Бунинг негизда халқимизга хос янгилинига интилиш ҳисси, атрофдаги манзарани гўзаллик билан бойитиш фазилати, айни пайтда катта ишларга қўл ура олиш журъати муржаасамдир.

Тошкент марказида энг замонавий стандартларга тўла мос келадиган муз спорти саройи барпо этилгани бу фикрнинг инкор этиб бўлмас ёрқин далилидир.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 февраль кўни "Хумо Арена" мажмуасига рамзий тош қўйиш маросимида қатнашиб, бу каби замонавий спорт иншоотлари баркамол авлод тарбиясида алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўтган вақт мобайнида давлатимиз раҳбари ушбу беқиёс бунёдкорлик жараёни билан бир неча бор танишиб, мутасадди раҳбарларга қурилишни юқори сифат билан амалга ошириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

(Давоми 2-саҳифада)

**Мамлакатимизда пахта толасини қайта ишлаш ҳажми йилдан йилга ортимоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 1991 йилда пахта толасини қайта ишлаш ҳажми атига 7 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда қарийб 50 фоиздан ортиди. Ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2019-йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори соҳа тараққиётида дастуриламал бўлмоқда.**

## "Ўзпахтасаноат"нинг янги саноати

Экспертлар фикрига кўра, бугунги кунда Ўзбекистон экспортининг 50 фоизини ип-калава маҳсулотлари ташкил қилмоқда. Тайёр маҳсулотлар эса 47 фоизни ташкил қиляпти. Келажакда хомашё маҳсулотлари ҳажми босқичма-босқич камайитирилиб, юқори қийматли тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар экспорти улуши 65 фоиздан оширилиши режалаштирилган. Бунинг учун жойларда ихтисослашган тўқимачилик мажмуалари ташкил этилмоқда. 2017-2020 йилларда соҳага 2,2 миллиард доллардан ортиқ маблағ (унинг деярли ярми хорижий инвестиция) жалб қилинади.



Инвестицион лойиҳалар тўрт босқичли тизим асосида пахта хомашёсини қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради. Бунинг учун махсус тўқимачилик мажмуалари ва 27 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Ушбу соҳада 120 та янги корхона ташкил этилиб, ундан ортиқ мавжуд корхона модернизация қилинади.

Янги тўқимачилик мажмуалари иш ўринларига талаб кучли бўлган худудларга жойлаштирилади. Сурхондарё вилоятининг Сароисиё,

Шеробод туманлари, Сирдарёнинг Гулистон, Сайхунбод, Ховос, Жиззахнинг Ғаллаорол, Жиззах, Қашқадарёнинг Яқкабғ, Шахрисабз, Наманганнинг Учқўрғон, Поп, Самарқанднинг Оқдарё, Урганч, Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли, Чимбой туманлари шулар сирасидандир.

Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги Бунёдкор маҳалласи ҳудудида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилиб, ишга туширилган

Янги корхонанинг очилиши маросимида бош вазир ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева, Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаев, "Ўзпахтасаноат" АЖ бошқаруви раиси Алишер Мақсудов иштирок этди.

Янги корхонанинг очилиши маросимида бош вазир ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева, Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаев, "Ўзпахтасаноат" АЖ бошқаруви раиси Алишер Мақсудов иштирок этди.

Жорий йилнинг 19 февраль кўни давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифиди чоғида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти олдига 2019 йил давомиде вилоят худудларида ҳам 32 та тикувчилик ва тўқимачилик корхонасини ташкил этиш ва уларда яратиладиган 4200 та янги иш ўринларига хотин-қизларни ишга жойлаштириш вазифаларини белгилаб берган эди.

Жорий йилнинг 19 февраль кўни давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифиди чоғида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти олдига 2019 йил давомиде вилоят худудларида ҳам 32 та тикувчилик ва тўқимачилик корхонасини ташкил этиш ва уларда яратиладиган 4200 та янги иш ўринларига хотин-қизларни ишга жойлаштириш вазифаларини белгилаб берган эди.

Жорий йилнинг 19 февраль кўни давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифиди чоғида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти олдига 2019 йил давомиде вилоят худудларида ҳам 32 та тикувчилик ва тўқимачилик корхонасини ташкил этиш ва уларда яратиладиган 4200 та янги иш ўринларига хотин-қизларни ишга жойлаштириш вазифаларини белгилаб берган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасини такомиллаштириш, шу жумладан, мева-сабзавот маҳсулотлари экиладиган майдонларни, сақлаш ва қайта ишлаш қувватларини сезиларли ошириш, мазкур тармоқни ривожлантириш учун халқаро молиявий институтларнинг маблағларини фаол жалб этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги илғор тажриба таҳлили ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг кооперациясини ривожлантиришни самарали рағбатлантириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мева-сабзавотчилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни рағбатлантириш, сифатли мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг экспорти барқарорлигини таъминлаш, мазкур маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг рақобатбардорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг:

ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги бирлашмаларида (кейинги ўринларда – қишлоқ хўжалиги бирлашмалари) ихтиёрий ва пай асосида иштирок этиш тамойилларида мустақил ва ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги амалга ошириш учун Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Зомин туманларида, Самарқанд вилоятининг Булунгур ва Урганч туманларида, Фарғона вилоятининг Олтиариқ ва Кува туманларида, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Паркент туманларида қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

(Давоми 2-саҳифада)



Янги тикувчилик мажмуаси ҳам бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасидир. Лойиҳани амалга ошириш ҳисобига мазкур маҳалладаги 140 нафар хотин-қиз ишга қабул қилинди. Корхонанинг тўлиқ қувватларда ишга туширилиши натижасида йилига 8 миллион донга ҳар хил турдаги тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулотларнинг дастлабки йилларда 60 фоизи экспортга йўналтирилиши режалаштирилган.

Жорий йилнинг 19 февраль кўни давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифиди чоғида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти олдига 2019 йил давомиде вилоят худудларида ҳам 32 та тикувчилик ва тўқимачилик корхонасини ташкил этиш ва уларда яратиладиган 4200 та янги иш ўринларига хотин-қизларни ишга жойлаштириш вазифаларини белгилаб берган эди.

Жорий йилнинг 19 февраль кўни давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифиди чоғида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти олдига 2019 йил давомиде вилоят худудларида ҳам 32 та тикувчилик ва тўқимачилик корхонасини ташкил этиш ва уларда яратиладиган 4200 та янги иш ўринларига хотин-қизларни ишга жойлаштириш вазифаларини белгилаб берган эди.

Жорий йилнинг 19 февраль кўни давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифиди чоғида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти олдига 2019 йил давомиде вилоят худудларида ҳам 32 та тикувчилик ва тўқимачилик корхонасини ташкил этиш ва уларда яратиладиган 4200 та янги иш ўринларига хотин-қизларни ишга жойлаштириш вазифаларини белгилаб берган эди.

Жорий йилнинг 19 февраль кўни давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифиди чоғида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти олдига 2019 йил давомиде вилоят худудларида ҳам 32 та тикувчилик ва тўқимачилик корхонасини ташкил этиш ва уларда яратиладиган 4200 та янги иш ўринларига хотин-қизларни ишга жойлаштириш вазифаларини белгилаб берган эди.

Жорий йилнинг 19 февраль кўни давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифиди чоғида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти олдига 2019 йил давомиде вилоят худудларида ҳам 32 та тикувчилик ва тўқимачилик корхонасини ташкил этиш ва уларда яратиладиган 4200 та янги иш ўринларига хотин-қизларни ишга жойлаштириш вазифаларини белгилаб берган эди.

Жорий йилнинг 19 февраль кўни давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифиди чоғида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти олдига 2019 йил давомиде вилоят худудларида ҳам 32 та тикувчилик ва тўқимачилик корхонасини ташкил этиш ва уларда яратиладиган 4200 та янги иш ўринларига хотин-қизларни ишга жойлаштириш вазифаларини белгилаб берган эди.

Жорий йилнинг 19 февраль кўни давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифиди чоғида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти олдига 2019 йил давомиде вилоят худудларида ҳам 32 та тикувчилик ва тўқимачилик корхонасини ташкил этиш ва уларда яратиладиган 4200 та янги иш ўринларига хотин-қизларни ишга жойлаштириш вазифаларини белгилаб берган эди.

Жорий йилнинг 19 февраль кўни давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифиди чоғида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти олдига 2019 йил давомиде вилоят худудларида ҳам 32 та тикувчилик ва тўқимачилик корхонасини ташкил этиш ва уларда яратиладиган 4200 та янги иш ўринларига хотин-қизларни ишга жойлаштириш вазифаларини белгилаб берган эди.

Жорий йилнинг 19 февраль кўни давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифиди чоғида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти олдига 2019 йил давомиде вилоят худудларида ҳам 32 та тикувчилик ва тўқимачилик корхонасини ташкил этиш ва уларда яратиладиган 4200 та янги иш ўринларига хотин-қизларни ишга жойлаштириш вазифаларини белгилаб берган эди.

Зафар ЙЎЛДОШЕВ,  
Ҳамза АМИНОВ,  
"Ўзпахтасаноат" АЖ масъул  
ҳодимлари.



**МИРАБОР УСМОНОВ**



Мамлакатимиз жамоатчилиги оғир жудаликка учради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, таниқли давлат ва жамоат арбоби, сенатор Мирабор Зуфарович Усмонов шу йил 15 март куни 72 ёшда вафот этди.

М.Усмонов 1947 йил Тошкент шаҳрида туғилди, 1978 йилда Самарқанд кооператив (ҳозирги иқтисодиёт ва сервис) институтини иқтисодчи мутахассислиги бўйича тамомлади. Ўз иш фаолиятини 1964 йилда Тошкент шаҳридаги «Баҳор» ресторанида бошлади. Кейинчалик Тошкент шаҳридаги бир қатор ресторанларда турли вазифаларда ишлади.

Ўз ҳаётини эл-юрт хизматига бағишлаган М.Усмонов кўп йиллар мобайнида Тошкент шаҳар ресторанининг трести директори, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси умумий овқатланиш бош бошқармаси бошлиғи лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги мурракб ўтиш даврида мамлакатимизда озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, ички бозорни сифатли истеъмол товарлари билан тўлдириш, савдо ва маиший хизмат соҳаларида ислохотларни амалга ошириш ва малакали кадрлар тайёрлаш борасида унинг хизматлари катта бўлди.

Бой меҳнат ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган бу заҳматқарор инсоннинг раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилияти Ўзбекистон Республикаси савдо вазири, «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси раиси, Бош вазири ўринбосари каби масъул вазифаларда ишлаган йилларида яққол намоён бўлди.

У 2005-2019 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмитаси раиси, раис ўринбосари лавозимларида фаолият олиб бориб, миллий парламентимиз ривожига муносиб ҳисса қўшди.

М.Усмонов Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Миллий олимпия қўмитаси раиси сифатида ҳам самарали фаолият олиб бориб, ушбу соҳаларни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини юксалтириш борасида жонбозлик кўрсатди.

Унинг жамоат ишларидаги фаол иштироки, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги катта хизматлари эл-юртимизга яхши маълум. М.Усмоновнинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони, «Дўстлик», «Меҳнат шухрати», «Фидокорона хизматлари учун», «Эл-юрт хурмати» орденлари билан мукофотланган эди.

Ташаббускор ва ташкилотчи раҳбар, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Мирабор Усмоновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙҮЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, Ж.ОРТИҚҲҲАЕВ, Ш.ЖАЛИЛОВ**

**Мутахассис тавсиялари**

**Пахтадан мўл ҳосил олишнинг энг муҳим омилларидан бири уруғни фурсатида қадашдир. Бунинг учун эса пухта тайёргарлик талаб этилади. Суғориладиган деҳқончиликда, хусусан, пахтачиликда ер бир текис намланиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сифатли экиш, ўсимликларнинг бир текис ривожланиши ва далаарнинг текислиги муҳим аҳамиятга эга. Дала яхши текисланса, экин барвақт унади ва соғлом бўлади.**

Яхши текисланган дала эгтарларини сув босмайди, тупроқ бир текисда намланади. Ер юзасини юмшатиш, тупроқни майин қилиш ҳамда ҳайдалма қатлам ҳавоси алмашишини яхшилаш учун ер боронланади. Боронлаш баробарида ер юзаси текисланади, бегона ўтлар йўқотилади ва буғланиш камайиб, нам яхши сақланади. Бунда боронани соатига 7-8 километр тезликда ишлаши тавсия этилади. Тезлик бундан ошиб ёки камайиб кетса, сифат бузилади. Тупроқ нами дала нам сизимига нисбатан 50-60 фоиз бўлганда, боронлаш энг қулай мўддат ҳисобланади.

Аммо қумоқ, қумлоқ тупроқли ерларда нам бундан юқори бўлганда ҳам боронлаш мумкин. Ернинг юза қисми намсиз, қуруқ бўлса, боронлаш вақтида фақат кесаклар қўчиб, тупроқ увуқланмайди.

Боронлаш чуқурлиги боронани тракторга узун ёки қалта улашга боғлиқ. Чунончи, борона агрегатга узун уланса, ер чуқур, аксинча қалта уланса, саёз боронланади. Шунинг учун улаш

**ЧИГИТ ЭКИШ**

**Бунда нималарга эътибор қаратиш зарур?**

узунлиги муайян бўлиши керак. Шўрланган ерларга кузги шудгор олдида ўғит берилмаган бўлса, шўри ювилгач, фосфорли ўғитлар йиллик меъёрининг 60 фоизини, калий ўғитининг 50 фоизини экишдан олдин бериш керак.

Ниҳолларни барвақт ва қий-гос ундириб олиш учун тажрибалардан келиб чиқиб, пушта

усулидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу усул ҳайдов қатламида тупроқ зичлигининг узок вақт мақбул даражада сақланиб туришини таъминлайди. Бундай технологияда тупроқнинг устки қисмида ҳарорат чигит текис далага экилгандагига қараганда 2-3 даража юқори бўлади. Бунда эса чигитлар барвақт униб

чиқади. Далага пушта (марза) тортиш учун шудгордан кейин тупроқнинг устки қисми боронланиш билан бир вақтда мола бостириб, текисланади. Шундан кейин яхши тайёрланган далага марза-пушта тортувчи махсус мосламали тракторлар чиқарилади. Уст қисмида ўткир чўқилар пайдо бўлган пушталарга сеялка ёрдамида чигит экиш мумкин эмас. Пушталарнинг уст қисмида чигит экувчи сеяланинг сошниклари юриши учун 18-20 сантиметр кенликда кичкина майдон қилиш мақсадида пушта тортувчи мослама энгил мола билан таъминланади. Молани ўлчовлари 50х50 миллиметр бўлган бурчакли темирдан тайёрлаш мумкин.

Пушталарга чигит экиш пайтида трактор ва сеялка филдираклари эгтарлар туби-

дан узунлиги бўйлаб ўтади ва чигит экилаётган марзалардаги тупроқни зичлантирмайди. Аммо, пуштага экиш учун текис ёки бирмунча қия, тупроқ шўрланмаган, шунингдек, кам, ўртача шўрланган, лекин шўри яхши қовилган майдонлар танланади.

Шундай қилинганда чигит пуштанинг уст қисмига 3-4 сантиметр чуқурликка экилади. Бу эса чигит экиши 3-4 кун эрта бошлаш имконини яратади. Пушталарнинг уст қисмида ҳосил бўлган қатқалоқнинг қалинлиги 1,5-2,5 марта, мустаҳкамлиги эса 2-3 марта кам бўлади.

Илмий-тадқиқот институтларининг маълумотларига қараганда, бундай далаарда қатқалоққа қарши курашиш кўп талаб қилинмайди. Чуқур эгтарлар бўйлаб суғориладиган тупроқнинг капиллар сув оқими билан намланиши таъминланади. Бу билан гўзанинг вегетация даврида ҳайдалган тупроқ қатламида узок вақт намликнинг сақланишига эришилади.

Чигит пуштага экилганда гўзанинг интенсив ривожланиши учун керак бўлган қулай иссиқлик ва озикланиш шароитлари яратилади.

Сирасини айтганда, юқорида келтирилган агротехник тадбирлар об-ҳаво шароитига қараб сифатли бажарилса, шубҳасиз, ҳосилнинг эртаги ва мўл бўлиши таъминланади.

**Ренат НАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими, профессор.



**Шаҳрихонда чигит униб чиқди**

Тумандаги «Қашқар диёри» фермер хўжалиги дала майдонларида чигит униб чиқди, дея хабар берди «[uz.uz](http://uz.uz)» сайти. Унда айтилишича, хўжалик ишчилари жорий йилнинг 12 март санасида чигит униб чиққанига гувоҳ бўлган.

Хўжалик раҳбари Тоймирза Юсуповнинг маълум қилишича, 58 гектар ерга чигитнинг «Анджон-35» навини экиш ишлари жорий йилнинг 27 февраль куни якунланган. Маълумот учун, ушбу фермер хўжалиги вилоятнинг энг илғор хўжалиқларидан ҳисобланади. Утган мавсум пахта бўйича йиллик шартнома режасини 123 фоизга бажарган.

**Эълонлар**

**«Косон дон маҳсулотлари қабул қилиш»**

масъулияти чекланган жамият таъсисчилари диққатига!

Жамият кузатув кенгашининг 2019 йил 5 мартдаги йиғилиш қарорига кўра жамият таъсисчиларининг 2018 йил молия – ҳўжалик фаолияти якунига бағишланган навбатдаги умумий йиғилиш 2019 йил 28 март куни соат 10:00 да Косон шаҳри Темир йўл шўбхекати 1-уй манзилида жамиятнинг маъмурий биноси мажлислар залида ўтказилади.

Жамият таъсисчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартиби:

1. Оммавий ахборот воситалари (газета, журнал)га эълон;
2. Аудитор хулосаси;
3. Дивидендлар ҳисоби, тақсими;
4. Акциядорлар реестри нухаси;
5. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашда мустақил баҳоловчиларни танлаш бўйича Кузатув кенгаши Баёни;
6. Йиғилишни қақриш бўйича Кузатув кенгаши Баёни;
7. Акциядорлар умумий йиғилиши Баёни.
8. 2018 йил учун тасдиқланган «Бизнес режа».
9. Давлат рақобат қўмитасининг Бўйруғи (устав фонди оширилганлиги ҳисобга олиниб, тасдиқланган эмиссия рисоласи);
10. Ҳисоб комиссияси Баёни;
11. Ихро органи томонидан амалга оширилган ишлар ҳисоботи;
12. Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар ҳисоботи;
13. Кузатув кенгаши таркиби тўғрисидаги маълумот;
14. Тафтиш комиссияси таркиби тўғрисидаги маълумот;
15. Ички аудит таркиби тўғрисидаги маълумот;
16. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосаси;
17. Жамиятнинг янги ҳиридаги уставини тасдиқлаш;
18. Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.

Жамият таъсисчиларининг навбатдаги умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларга тегишли бўлган ахборот ва материаллар билан иш кунлари жамият бухгалтериясида соат 10:00 га қадар танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон рақамлар: (75) 592-11-59. Факс (75) 592-10-21. Эслатма: Навбатдаги умумий йиғилишда таъсисчиларнинг иштирок этишлари, вакиллар эса белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган ишончнома билан иштирок этишлари сўралади.

Жамият кузатув кенгаши.

**«BEST AUTO AUCTION» МЧЖ**

Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори ҳамда Самарқанд банк коллежининг 2019 йил 12 мартдаги 01-36-сонли буюртманомасига асосан, Самарқанд банк коллежига қарашли, Самарқанд шаҳри, Даҳбед кўчаси 45-уйда сақланаётган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 704 DAA, техник носоз бўлган «НЕКСИЯ ДОНС» русумли автомашина 5 367 000 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2019 йил 16 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мўддати 2019 йил 15 апрел, куни соат 18:00. Ушбу мулк 2019 йил 16 апрел, куни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2019 йил 1 ва 15 май кунлари соат 11:00 да

ўтказилади. Тақрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан бюртмаларни қабул қилиш белгиланган савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо қолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини «BEST AUTO AUCTION» МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали АТИБ «Ипотека банк» Кўксарой филиалидаги х/р: 20208000700805784002 (МФО:00262, СТИР:305089257) га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони 1-уй 210-хона. Тел: (+99893) 331-70-80. e-mail: best.samarqand@inbox.uz, Гувохнома № 547246.

**Хоразм вилояти**

**Баҳонага ўрин борми?**

**ЁХУД МАКТАБ АТРОФИДАГИ ХУНУК МАНЗАРЛАР**

Шовот туманининг Узун қўл маҳалласидаги 24-сонли умумтаълим мактабида 316 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Лекин мактаб 220 ўқувчи ўрнига мўлжалланган бўлиб, 2009 йили ишга туширилган.

Таълим маскани ҳудудига кираверишингиз билан унинг теваарак-атрофидаги хунук манзаралар таъбингизни тирриқ қилади. Мактаб жойлашган майдон анча катта. Бир ёнида спорт майдончаси бўлса, яна бир томонида 0,40 гектар экин майдони ястаниб ётибди. Мактаб ҳудудини ўраб турган пахса деворлар нураб қолган. Яна бир пайтлари лойдан қурилган оғилхонами, омборхонами, билиб бўлмайдиган бино ҳам мактаб ҳўснига доғ бўлиб турибди.

Мактаб томорқасига ўтган йили ўт экилган шекилли, шу туришида, шудгорланмасдан қолиб кетаверган. Агар мактаб жамоаси аҳилликда меҳнат қилганда борми, 0,40 гектар майдонда чиройли бир бог бўларди, деб ўйлаб қолдик ва бу ҳолга мактаб директори Элёр Жўманиёвдан изоҳ сўрадик. У сув келтириш муаммо эканини, обихаётни носоз орқалигина олиб келиш мумкинлигини айтди. Қаловини топсанг, қор ёнади, деган доно халқимиз. Иштиёқ бўлса, ҳеч қандай муаммога ўрин йўқ, аслида. Мактабнинг олд томонида, эски бино ўрнида кесаклар ётгани ҳам ҳафсаласизликнинг бир белгиси.

– Бу аслида спорт майдончаси бўлиши керак эди, – дея изоҳ беради Элёр Жўманиёв.

Билмадик, мактаб директори қачонгача бўлиши керак эди, дея изоҳ беради? Шовот тумани халқ таълими мутасаддиларидан шу масалада жавоб қўтиб қоламиз

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**  
«Qishloq hayoti» муҳбири.

Қашқадарё вилояти

Аёллар севиб киядиган, уни кийса ял-ял ёниб кўзни қувонтирадиган шойи-ипак матоли либослар асрлар оша урфдан қолмай келяптики, бу бежиз эмас, албатта. Тоza ва табиий хомашёдан тайёрланган бу маҳсулотни етиштириш (айнан етиштириш, ишлаб чиқариш эмас) ҳам азал-азалдан кўпроқ хотин-қизлар зиммасида бўлган, бу ҳануз давом этиб келмоқда. Ипак қурти боқиш, пилла етиштириш мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг ажралмас бир бўлаги.



Муродилла КОММОНОВ олган суратлар.

Мухаббат ЭЛИБОЕВА,  
«Qishloq hayoti» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги «Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори асосида аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини ошириш мақсадида пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан томоққа

## Олдинда пилла мавсуми

ер эгаларига, аҳоли хонадонларига 50 бошдан 90 кунлик парранда ва тут қўчаларини шартнома асосида бепул етказиб бериш белгилаб берилди. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда Қашқадарё вилоятда ҳам пилла хомашёсини

етиштириш бўйича йил бошидан бошлаб, мавсум давомида 3 марта ипак қурти боқиш йўлга қўйилди. Ўтган йили жами 1800 тонна пилла хомашёсини етиштириш режалаштирилгани ҳолда амалда бу кўрсаткич 1812,7 тоннани ташкил қилди.

Бу йил ҳам пилла хомашёсини етиштиришни тўғри ташкиллаштириш ва пиллакорларнинг кайфиятини кўтариш, мавсумни кўтаринки руҳ ҳамда хушайфият билан бошлаб бериш мақсадида вилоят ҳокимлиги илк марта вилоятнинг барча туманларида пиллакорлар байрами тадбирини ташкиллаштирди. Вилоятнинг барча туманлари марказий уйингоҳларига пиллакорлар тақлиф этилиб, дошқозонларда ошлар дамланди, турли ноз-неъматлар билан безатилган дастурхон атрофида жамулжам бўлиб, дилдан

суҳбат қурилди. Вилоят ҳокими Зафар Рўзиев сўзга чиқиб, уларнинг машаққатли меҳнатлари мамлакат иқтисодини ривожлантиришда улкан ҳисса қўшиши билан бир қаторда уларнинг оилаларига ҳам даромад келтиришини таъкидлади ва бу йўлда уларга соғлиқ, матонат ёр бўлишини тилади. Ўтган мавсумларда пешқадамлик қилган пиллакорларга қимматбаҳо эсдалик совғалари ва саломатлиқни тиклаш ва дам олиш масканларига йўлланмалар тақдим этди.

Вилоятда жорий йил ҳосили учун фермер ҳўжаликлари билан 35 минг 500 кўти қурт боқиб, 1950 тонна пилла етиштириш белгиланган. Шунингдек, 2019-2021 йилларда пиллачилик ташкилотлари томонидан қиймати 1,3 миллиард сўмлик 86 та ипак қуртини парваришlash иншоотларини қуриб, бит-

казиш режалаштирилган. Шундан яқин кунларда қиймати 300 миллион сўмлик 20 та пилла боқиш иншооти қурилиши яқунланиб, ишга туширилади. 2019-2020 ўқув йилдан бошлаб, тармоқ ташкилотлари ходимларининг билим ва савиясини янада ошириш мақсадида, ихтисослашган олий таълим муассасаларида ипакчилик ва тутчилик таълими бўйича сиртқи бўлимлар ташкил этилиб, тест синовларисиз, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартиби жорий этилди. Президентимизнинг Қашқадарёга ташрифи чоғида Шахрисабз туманида 2019-2021 йилларда кластер усулидаги пиллани қайта ишлаш, тайёр ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қиймати 5 миллион АҚШ доллари миқдоридида инвестиция лойиҳаси, «GULNORA ART» МЧЖ томонидан Шахрисабз шаҳрида қиймати 10 миллион АҚШ долларига тенг миллий экопоябзаллар, либослар ишлаб чиқариш ва туризмни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳа, Қамаш туманида жорий йилда 10 гектар сугориладиган ер майдонига лойиҳа қиймати 280 минг АҚШ долларини ташкил этадиган Хитой технологияси асосида тут плантацияси ва унинг қошида 1 йилда 3 марта пилла етиштириладиган 2 та замонавий инновацион пилла етиштириш комплекси барпо этиш топшириғи берилган эди. Ана шу топшириқлар бўйича инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг босқичлари ва техник иқтисодий асосини ишлаб чиқиш ишлари давом эттирилмоқда.

## Халқ банки «Миллий валютадаги пул ўтказмаси» тизимини жорий этади

Ушбу хизмат тури мамлакатимиз худудида банк мижозлари учун Халқ банки филиаллари орқали амалга оширилади.

Миллий матбуот марказида Халқ банки томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори ижроси таҳлили ва бу борада белгиланган чора-тадбирлар» мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида банк фаолиятидаги янгиланишлар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Хусусан, тизимдаги 185 та филиалда «Банк хизматлари марказлари» фаолияти ташкил этилиб, унга асосан фронт ва бек офисга ажратилган ҳолда хизмат кўрсатиш ташкил этилди. Айни кунларда қолган филиалларда ҳам бундай Марказлари ташкил этиш бўйича ишлар якунига етказилмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳри амалиёт бўлими ва Шайхонтоҳур филиалларида синов тариқасида туну кун хизмат кўрсатувчи «24/7 Электрон офис» ташкил қилинган. Жорий йилда яна 20 та ана шундай электрон офис ишга туширилиши режалаштирилган.

Мижозлар эҳтиёжларини доимий мониторинг қилиб бориш мақсадида «Кюматик» русумдаги навбат қуттиш тизими йўлга қўйилди. Бу эса хизматлар оммабоплигини ошириш йўлида қилиниши лозим бўлган вазифаларни белгилашда муҳим роль ўйнайди.

Бугунги кунда банк филиалларида мижозларга 250 га яқин валюта терминали хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, хорижий ва маҳаллий саёҳатчиларга қўлайлик яратиш мақсадида юртимиздаги сайёҳлик манзилларига яқин бўлган жойларда куну тун хизмат кўрсатувчи 11 та автоматлаштирилган валюта айриб-бошлаш шохбосчаси ўрнатилди. Яқин кунларда аҳоли гавжум жойларда яна 5 та ана шундай шохбосча хизмат кўрсата бошлайди.

Бундан ташқари, банк томонидан аҳолига янада қўлайлик яратиш мақсадида банк тарифларига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, халқаро «Visa» тўлов карталарини очиб ва эмиссия қилинган халқаро тўлов карталаридаги маблағларни ечиш 2019 йилнинг 1 апрелига қадар бепул этиб белгиланди. Интернет тўлов ва смс хабарларга улашиш учун ҳам хизмат ҳақи олинмайди. Халқаро тўлов картасининг депозит суммаси эса 15 АҚШ долларигача туширилди. Шунингдек, бир хорижий нақд валютани бошқа бир хорижий нақд валютага конверсия қилиш йўлга қўйилган.

Тадбир сўнггида банк ходимлари ОАВ вакилларининг қизиқтирган саволларига тўлиқ жавоб берди.

Ўз мухбиримиз.

## Реклама ва эълонлар

**AMKODOR** **САЛЕО** **AMKODOR - СЕМАШ**

### «AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар    МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар    занжирли ва гилдиракли экскаваторлар    санчкили юклагичлар

**Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар**  
**Ўзбекистонда**  
галлани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар    гидравлика

Маҳсулотлар сертификатланган.

Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-82. Тел.: 71-283-42-17.

Ўзбекистон Республикаси 100005 Тошкент шаҳри 8 март кўчаси 57-уй. E-mail: sales@amkodor.uz, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

**PLANETA SERVIS**

## ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Хизматлар лицензияланган.

МЧЖ «INTELLIGENT MAGIC INVEST» Юридик тасвирлари ва мулкери билан бирга 2019 й. 14 мартдаги улумий йиллик баённомалари асосан «DANIEL HILL HOTEL» МЧЖга ўтказиб берилган. Мураккаблар учун тел.: (71) 292-97-99.

Фурдо Хадисова Садридди Авазовича тепалиш бўлган қўйидага есадиёт ороқатлари йўналишини мўълум қилмоқ. 1. Қўйида мўълум қилмоқ есадиёт расми. 17.12.03.01.06.0316; 2. Ер ўлкасида бўлиш қўйидаги гувоҳнома (16.08.2018 йил кўнги №0110783); 3. Бино ва жиҳазларга бўлган ҳўқуқини гувоҳнома (16.08.2018 йил кўнги №AN011879).

«MAESTRO TAXI» МЧЖ (СТПР 304402209) ўз тарихидан қўйида аҳоли сифатида «GRANDMASTER» МЧЖга бўлиниш мўълумати билан қайта таъкил этилиши мўълум қилмоқ. «GRANDMASTER» МЧЖ «MAESTRO TAXI» МЧЖнинг барча жиҳазлари бўйича 12.03.2019 й. дати мўълумати қўйида мўълум қилмоқ. Қайта таъкил этилиш мўълумати билан «MAESTRO TAXI» МЧЖнинг устав фонди 1 200 000 000 (бир миллион икки юз миллион) сўмдан 600 000 000 (olti юз миллион) сўмгача қамалтирилган. Тел.: (+99890) 308-01-17.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. Абай ва Зулфияномни кўч. кўчиқмаси 18 "Б" уйда жойлашган Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ТСР/И томонидан 2018 й. 29.07 да 009405-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «DIZZY TRADE» ХК тўғрисида. Асос: ХК эгасининг 2019 й. 12 мартдаги 2-қарори. Даяларлар учун тел.: (+99890) 328-61-68.

Тошкент ш. Миробод т.дан 31.03.2015 й.да 009446-10 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «PRETTY LOOK» ХК (СТПР 303281883) тўғрисидаги эълон қилди. Даяларлар (+99890) 374-26-74 тел. рақами орқали соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юнусобод т. ДХМ томонидан 22.11.2004 й.да 003489-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «SHAVKAT PLYUS» ХК (СТПР 206277714) тўғрисида. Даяларлар (98) 303-48-63 тел. рақами орқали қабул қилинади.

«KENT TEKSTIL» МЧЖ (СТПР 303345304) ўз устав фондини 552 864 000 сўмдан 152 864 000 сўмгача қамалтирилиши мўълум қилди. Манзил: Тошкент ш. Спмзор т. Шарқ 104 А кўч.

«Ўзагротехсановатхолдинг» акциядорлик жамияти тизимидаги

## «ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни, соҳа ходимларини эзгулик ва меҳр-саховат айёми =

# Наврўзи олам

билан муборакбод этади.

Азалий ва абадий қадриятларимиз рамзи бўлган ушбу айём юртимизга тўкинлик, хонадонларимизга файзу барака олиб келсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

## QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
тарикидаги ҳамда бошқа  
даҳлдор вазирлик ва идоралар.

### Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ҲўЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Мухаммадjon ТОШБОЛАЕВ, Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТООИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯНПОР (Бош муҳаррир ўринбосари), Суҳроб ЗИЕДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иқтисодий-сўйиш ва ҳўқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатпар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.  
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

### Худудлардаги мухбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

#### Вилоятлар:

Андижон – (+99893) 630-73-03,  
Бухоро – (+99891) 401-29-59,  
Жиззах – (+99893) 940-10-78,  
Навоий – (+99891) 332-50-99,  
Наманган – (+99893) 948-53-88,  
Фарғона – (+99890) 407-76-03,  
Самарқанд – (+99897) 575-50-67,  
Сирдарё – (+99894) 168-23-80,  
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05,  
Тошкент – (+99890) 976-39-58,  
Хоразм – (+99897) 790-47-81,  
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда

№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-325, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қўроғ бичими А-2.

Манзилми: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилди ва  
дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

7 747 нусхада чоп этилди.  
НАШР ИНДЕКСИ – 144  
Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 01.50

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:  
А. ҲАҚБЕРДИЕВ